



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МИЛЛИЙ ВА ГЛОБАЛ ОМИЛЛАР

II-ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ДАСТУРИ

**2020 йил 16-17 октябрь
Самарқанд, Ўзбекистон**

“Food Security: National and Global Drivers”

**International Scientific and Theoretical
Conference**

16-17 October 2020

Samarkand, Uzbekistan

Самарқанд - 2020

А. Жаҳонгиров Ғўзали майдонларга кузги ғалла уруғларини сифатли экиш учун инновацион технология	243
Н.Т. Норбоева Ғўзанинг ривожланишига ташки абиотик омилларнинг таъсири	245
Б.Н. Абдуллаев, Ф.Х. Хошимов Ресурсосберегающей и почвозащитной технология возделывания кукуруза на поливе и значении сотрудничества	247
К.Ш. Бозоров, К.М. Мўминов Суғориш эрозиясига учраган ерларда тупрокка асосий ишлов бериш усуллари ва чуқурлигининг кузги бугдой дон ҳосилига таъсири	250
З.Р. Бобоқулов Нўхат навларининг дон сифат кўрсаткичларига экиш муддатлари ва экиш чуқурлигининг таъсири	252
М.А. Болтаев, Б.М. Ибадуллаев Паст навли чигитдан совуқ усулда мой олиш ва уни рафинациялашнинг соддалаштирилган технологияси	254
М.Қ. Эшмуродова, Н.Д. Эшмуродова Суғориладиган бўз тупроқлардан унумли ойдalaniшда ғўзани кўшкаторлаб экиш самарадорлиги	256
М.Ю. Ибрагимов, П.Х. Халмуратов, М.С. Жадигерова Қорақалпоғистон республикаси тупроқ шўрланиши шаронтига мос помидор навларини танлаш.	260
М.Ю. Ибрагимов, П. Халмуратов, С.Е. Торениязова Қуйи амударё минтақасида картошка навларининг биологик хусусиятлари ва ҳосилдорлиги	262
Мирабдуллаев И.М. Рыбы вообще и рыбы узбекистана в частности	264
Н.Т. Нишонов Global g.a.p.-хавфсиз кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда замонавий стандартлар мажмуаси	267
Норбоев У.М. Законодательная база взаимоотношений субъектов рыночной экономики на основе производственного кластера	272
Нормуратов И.Т., Очилов М. Интродукция килинган унаби (чилонжийда) ни кўчатини етиштиришнинг интенсив технологияси	274
Р.Х. Эргашев, У.Х. Беглаев Балиқчилик тизимида барқарор ривожлантиришни ташкил этиш вабошқарув механизмини бозор тамойилларига мослаш йўллари	227
С.Б. Бўриев, Л.Т. Юлдошов, А.М. Қобилов Ряска (<i>Iemna minor</i> L) ўсимлигини оқова сувларда кўпайтириш ва балиқларга озика сифатида қўллаш	279
С.Н. Хамраева, Ф. Ҳаққулов Пахтачиликда кооперация муносабатлари такомиллаштириш давр талаби	280
Ш.Ш. Файzieва, М.Х. Собирова Мамлакатимизда агросаноатни ривожлантириш ва уни такомиллаштириш йўллари	282
С. Ҳайдаров, А. Санақулов Интенсив боғ учун она пайвандтаглар етиштиришда макро- ва микроўғитлардан фойдаланиш	284
Хайитов М., Машрабов М., Мустафоева О. Сабзавотчиликда ҳосилни оширишнинг муҳим омиллари	286
Хўжақулова Н.Р. Коврак ўсимлигининг дориворлик хусусияти ва иктисодий самарадорлиги	289
Ҳасанов М.А., Эргашев И.Т. Картошканинг янги навлари	293
Цой М.П. Концепция продовольственной безопасности узбекистана – международная практика	295
O.L. Muxamedov., D.D. Juraxujayev Oqdaryo tumanida oziq-ovqat sanoati rivojlanishida chorvachilikning tutgan o'rni	298
С.И. Махсудов Агрокластерлар талабига мос ғўза навларини яратиш	300
О.Л. Мухамедов Озиқ-овқат саноати ривожланишида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ўзига хос жиҳатлари (жиззах вилояти мисолида)	302
Q.D. Davronov, O'Z. Xayitova Epifitik bakterial jamoalarining harakatlantiruvchi omillari	304
G.G'. Chinboeva, Q.D. Davronov Importance of immobilized α -amylase from bacillus subtilis strains	307

овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини бермаслиги, аҳоли сонининг тобора ортиб бориши ва ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам ортиб бориши каби объектив сабаблар туфайли балиқчилик хўжалиklarини истиқболда ривожлантиришга зарурят мавжудлиги.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда балиқчилик хўжалиklари учун аниқ тартибга солинган, қулай таъминот тизими мавжуд эмас. Балиқчилик хўжалиklарини зарурий ресурслар билан таъминлаш, асосан, хусусий шахслар томонидан амалга оширилмоқда. Бу эса, уларнинг сифатли ресурсларни олишга бўлган имкониятининг чекланишига олиб келмоқда.

Балиқчилик хўжалиklарини самарали бошқарув механизмларини бозор тамойилларига мослашда ва даромадли фаолият юритишлари учун зарур ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш йўналишлари 1-расмда келтирилган.

Юқоридаги чизма орқали биз балиқчилик хўжалиklарининг интеграция жараёнига киришиши лозимлигини кўраимиз. Иқтисодий муносабатлар, ташкилотлар билан интеграцион алоқалар балиқчилик хўжалиklарининг ривожланиш омиллари бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, етиштирилаётган балиқ маҳсулотлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархларнинг кескин ошишини олдини олиш лозим:

- балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш;
- хўжалиklарда замонавий интенсив технологиялардан фойдаланган ҳолда балиқчилик хўжалиklарини тузиш ва юқори даромадли маҳсулотларни сотиш;
- балиқчилик хўжалиklарини юритиш, мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш масалалари давлат сиёсати даражасида кўтариш лозим.

РЯСКА (*LEMNA MINOR* L) ЎСИМЛИГИНИ ОҚОВА СУВЛАРДА КЎПАЙТИРИШ ВА БАЛИҚЛАРГА ОЗИҚА СИФАТИДА ҚЎЛЛАШ

**С.Б. Бўриев, Л.Т. Юлдошов, А.М.Қобилов
Бухоро Давлат Университети**

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объекларини муҳофаза қилиш тизимини яънада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ, ҳукумат ва жамоат ташкилотлари томонидан яратилган устувор йўналишларга таянган ҳолда, Бухоро вилоятидаги коммунал хўжалик корхоналари ва қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларидан чиқадиган оқова сувларни ряска (*Lemna minor* L)сув ўсимлиги ёрдамида тозалаш ва чиққан биомассадан балиқларга озиқа сифатида қўллаш борасида илмий ва амалий тадқиқотларни амалга оширдик. Замонавий шароитда атроф- муҳитни саноат чиқиндиларидан ҳимоя қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда ряска (*Lemnaceae*) сув юзасида ўсувчи яшил ўсимлик бўлиб, 3 хил тури мавжуд. Улардан кенг тарқалгани кичик ряскадир. Ряска (*Lemna minor* L) ларнинг барчаси ўтхўр балиқлар учун қимматбаҳо озуқа ҳисобланади. Чунки ряска (*Lemna minor* L) ўсимлиги таркиби жуда ҳам озукавий элементларга бой бўлиб, уларда 25-30 % гача оксиллар, 20% гача липидлар, 35% гача углеводлар ва 10дан ортиқ витаминлар мавжуддир[1]. Улар кўп миқдорда ҳар хил витаминларни ҳамда 85-103 мг кг куруқ модда ҳисобига каратин сақлайди. Юқорида кўрсатилган асосий биополимерлардан ташқари кўп миқдордаги микро ва макро элементларни сақлайди[2]. Ряска (*Lemna minor* L) ўсимликларини ўстириш учун мурраккаб қурилмалар керак эмас. Кичик ряска (*Lemna minor* L) ўсимлигини кўпайтириб, ундан катта миқдорда биомасса олиш учун таркибида азот, фосфор, олтингугурт ва бошқа элементларни сақловчи кимёвий моддалар зарурдир. Бу элементларни сотиб олиб ўсимликни ўстирсак жуда қимматга тушади. Шу муносабат билан ҳозирги кунда Бухоро давлат университети олимлари ряска (*lemna minor* L), ўсимлиги устида катта илмий ишларни амалга оширмоқдалар. Вилоятдаги коммунал хўжаликларида чикадиган оқова сувларни тозалаш иншооти суви физик-кимёвий усулда тозалашга мўлжалланган. Биз бу корхонанинг оқова сувларидан намуналар олиб лаборатория шароитида ҳар аквариум ва пласмаса тоғоларга солиб унга 100 грдан ряска ўсимлигини эдик. Кунига 2-3 маротабадан назорат учун олинган сувни олиб уни физик –кимёвий кўрсаткичларини аниқлаб бордик. Назоратни 10 кун давом эттирдик ва 10 кундан кейин оқова сувимиз ҳар хил орғано-минерал моддалардан 95-98% гача тозалангани маълум бўлди. Экилган ряска (*Lemna minor* L) ўсимлигимиз 10кунда тоғораларни юзасини тўлиқ коплаб олди, биомассани йиғиб олиб тарозида тортиб кўрганимизда 100гр экилган ўсимлик биомассаси 10 кундан кейин 980 гни ташкил этгани аниқланди. Сувоқова корхонаси оқова сувларини тозаловчи корхонада 9 та биологик ҳовузлар ҳам тайёрланган. Биологик ҳовузларга ряска (*lemna minor* L) ўсимлиги ҳар бир кв/мга 150 грдан экилди ва унинг ўсиши, ривожланиши, кўпайиши 9-10 кун давомида очиқ ҳавода кузатилди. Кузатишлар давомида 150 гр экилган ўсимлик биомассаси 10 кундан кейин 1057гр ни ташкил қилди. Юксак сув ўсимлиги сувдаги минерал моддаларни ўзлаштириб, сувни ҳар хил ифлосликлардан тозалаши ва ундан катта миқдорда ўсимлик биомассаси ҳосил бўлиши аниқланди. Ҳосил бўлган ўсимлик биомассаси йиғиб олиниб, ”Бухоро Беламур” балиқчилик фермер хўжалигидаги оқ амур балиқларига озиқа сифатида қўлланилганда, балиқ маҳсулдорлигини 15-17% дан 25-30% га оширганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.А.М. Музаффаров, Т.Т. Таубаев, М. Абдиев. Ряска иметоды их массового культивирования. Ташкент-1979, 14стр.
2. Таубаев Т., Абдиев М. Ряска водоемов Узбекистана и их использование в народном хозяйстве. Ташкент. 1973.

2. Buriev S. B., Yuldoshov L.T. Biological treatment of wastewater from production enterprises // International journal of biology. Vol. 12, no. 3; 2020. pp.14-17
3. Бўриев С.Б., Юлдошов Л.Т., Қобилов А.М., Арипов Б.Ф. Ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқадиган оқова сувларни биологик усулда тозалашнинг самарадорлиги // Хоразм маъмун академияси ахборотномаси. Хива. 2020 й. 7сон. 28-33б.

ПАХТАЧИЛИКДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

С.Н. Хамраева, Ф.Ҳаққулов
ҚарМIIИ

Иқтисодиётимизнинг ривожланиши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг бандлиги ва даромадлари ўсишида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан, бугунги кунда тармоқни стратегик ёндашувлар асосида таракқий эттириш давр талабига айланди. Чунки унинг ҳозирги ўсиш суръатлари ва даромадлари етиштирувчини ҳам, қайта ишловчини ҳам мутлақо қониқтирмапти. Таҳлиллар бу борада кутилаётган мақсад-ўзгаришларга бозор механизмларини кенг жорий этиш, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ўтган йилларда ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерлари ҳақиқатда тармоқда туб бурилишнинг бошланиши бўлди. Аммо, мазкур соҳадаги айрим кластерларнинг фаолиятини ижобий баҳолаб бўлмайди. Шу билан бир каторда кластерлар ташкил этилмаган ҳудудларни ҳам бозор механизми асосида ишлайдиган қишлоқ хўжалигининг керакли корхоналарини ташкил этиш зарур эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида айнан соҳадаги мазкур муаммоларнинг ҳам ечими кўрсатиб ўтилган.

Қарорда, пахта етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилиниб, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига қўшимча иш ўринларини яратишга қаратилган чора-тадбирлар аниқ-равшан белгилаб берилди. Мазкур қарорга кўра, кооперативларнинг асосий вазифаси сифатида қуйидагилар белгиланган: кооперация аъзолари билан шартномалар тузиш орқали пахта хом ашёси етиштириш юзасидан келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш; кооперация аъзолари томонидан пахта хом ашёси етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, пахта тозалаш заводларидан биргаликда фойдаланишни ташкил этиш; кооперация ва уларнинг аъзолари ўртасида имзоланадиган шартнома асосида кооперация аъзоларини қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, уруғлик, шунингдек, кимёвий ва биологик ҳимоя